



№ 44

Ижобий аудиторлик хулосаси

“УРГАНЧ ШАРОБ” АЖ (адресат) реквизитлари:

Урганч шаҳар, Саноатчилар кучаси - 417-А-уй; СТИР-200 408 363; ХХТУТ-18143; Вино маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноати.; х/р: 2021 0000 3001 9417 8001; “Савдогарбанк” Урганч шаҳар бўлими; МФО-00853. Тел 8-362-227-28-08.

Кириш қисми

“OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент ш. Юнусобод т.; А.Темур 1-тор кўчаси 2-у; Tel: 236-11-60 факс 236-24-32; Адлия Вазирлигининг 11.08.1998 йилдаги 517-сонли гувоҳномаси; Молия Вазирлигининг 29.02.2008 йилдаги 00124-сонли лицензияси; АТИБ Ипотекабанк Мехнат бўлими х/р 20208000503945832001; МФО 00423; СТИР 202629997; ХХТУТ 84400 “Аудиторлик фаолияти”.

“OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори, директор - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 08 январь 2008 йилда берилган № 04504-сонли аудитор малака сертификатига эга Исмаилов Адилбек Матчанович.

“УРГАНЧ ШАРОБ” АЖ нинг 2015 йил 1 январдан 2015 йил 31 декабргача давр молиявий ҳисоботлари 02.03.2016 йилдаги 44-шартнома асосида аудит текширувдан ўтказилди.

Аудитга “Бухгалтерия баланси”-1-шакл, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”-2-шакл, “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”-4-шакл; “Ўз сармояси тўғрисидаги ҳисобот”-5-шакл; Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобот, ҳисоб-китоблар ва маълумотномалар, журнал-ордер, ҳужжатлар ва банк кўчирмалари тақдим этилди.

“УРГАНЧ ШАРОБ” АЖ нинг раҳбарияти аудиторлик текширувдан ўтказиладиган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва унинг ҳаққоний бўлиши учун жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосасининг “УРГАНЧ ШАРОБ” АЖ нинг молиявий ҳисоботиغا мувофиқ бўлиши учун жавобгар.

Қайд этиш қисми

Биз аудиторлик текширувини АФМА га мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади.

Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асос беради деб ҳисоблаймиз.

Яқуний қисми

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект “УРГАНЧ ШАРОБ” АЖ нинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

«Osiyo-Audit» аудиторлик
ташкilotи директори, аудитор

2016 йил “04” апрел



А.Исмаилов